



## Analysis of the legal basis of organization of activities of multiple sector farms

Khikmatilla TUKHTASHEV<sup>1</sup>

Tashkent State Law University

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received October 2021

Received in revised form

15 November 2021

Accepted 20 December 2021

Available online

15 January 2022

**Keywords:**

farm,  
plot of land,  
diversified farm,  
registration,  
land lease,  
agricultural land,  
irrigated land,  
public administration.

### ABSTRACT

In this article, the views of lawyers and economists on farm management are considered. And also, regulatory documents on the transformation of farming into a diversified economic activity. The concept of diversified farms is analyzed from a scientific and theoretical point of view. A solution is being considered based on a critical analysis of existing problems and shortcomings. Also, the directions of activity and legal stages of the development of multidisciplinary farms are investigated. Based on this, changes in the legislation on the organization of multidisciplinary farms are described. And also, and the system of benefits applied to them. In addition, the problems of land use of multidisciplinary farms and ways to solve legal and economic solutions were discussed. Based on this analyzed basis of legislation and scientific and theoretical views, as well as the results of comparative analysis, attempts were made to make proposals and recommendations for improving regulations aimed at regulating the activities of multidisciplinary farms in the Republic of Uzbekistan.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp181-189>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари таҳлили

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

фермер хўжалиги,  
ер участкаси,  
кўп тармоқли фермер  
хўжалиги,

Ушбу мақолада фермер хўжаликлари фаолиятини кўп тармоқли фаолиятга айлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар фикрлари ўрганилган. Мақолада кўп тармоқли

<sup>1</sup> Environmental Law Department Lecturer, Tashkent State Law University. Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [h.tuxtashev@tsul.uz](mailto:h.tuxtashev@tsul.uz)

рўйхатдан ўтказиш,  
ер ижараси,  
қишлоқ хўжалик ерлари,  
суғориладиган ерлар,  
давлат бошқаруви.

фермер хўжаликлари тушунчаси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ундаги мавжуд муаммо ва камчиликлар юзасидан танқидий таҳлил асосида ечим беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг фаолият йўналишлари ва қонуний ривожланиш босқичлари ҳам ўрганилган бўлиб, шу асосда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил қилишда қонунчиликдаги ўзгаришлар ва уларга қўлланиладиган имтиёзлар тизими ёритилган. Бундан ташқари, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан фикр юритилган. Таҳлил қилинган қонун ҳужжатлари ва илмий-назарий қарашлар ҳамда қиёсий таҳлил натижалари асосида мамалакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар беришга ҳаракат қилинган.

## Анализ нормативно-правовой базы создания многопрофильных фермерских хозяйств

### *Ключевые слова:*

фермерское хозяйство,  
земельный участок,  
многопрофильное  
хозяйство,  
регистрация,  
аренда земли,  
земли  
сельскохозяйственного  
назначения,  
орошаемые земли,  
государственное  
управление.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье, рассматриваются взгляды юристов и экономистов, на фермерско-хозяйственное управление. А также, нормативно-правовые документы о преобразовании фермерской деятельности в многоотраслевую экономическую деятельность. Проанализирована, концепция многоотраслевых хозяйств с научно-теоретической точки зрения. Рассматривается, предложение решение на основе критического анализа существующих проблем и недостатков. Также, исследуются направления деятельности и правовые этапы развития многопрофильных фермерских хозяйств. На основании этого, описываются изменения в законодательстве о организации многопрофильных фермерских хозяйств. А также, и применяемой к ним системе льгот. Кроме того, были обсуждены проблемы землепользования многопрофильных фермерских хозяйств и пути решения правовых и экономических решений. На данной, проанализированной основе законодательства и научно-теоретических взглядов, а также результатов сравнительного анализа были предприняты попытки внести предложения и рекомендации по совершенствованию нормативных актов, направленных на регулирование деятельности многопрофильных фермерских хозяйств в Республике Узбекистан.

### КИРИШ

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ерга оид муносабатларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилиб,

ушбу соҳада қишлоқ хўжалиги кооперативи бошқаруви тизимидан фермерлик бошқарув тизими йўлга қўйилди. Албатта, юртимизда аграр соҳада фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини белгилаш ўз-ўзидан амалга оширилиб қолгани йўқ. Мазкур соҳанинг ривожланиши республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар билан биргаликда олиб борилмоқда.

Жумладан, бугунги кунга келиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида етакчи ўринни эгалловчи фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, фермер хўжаликлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, улар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи-тайёрловчилар ҳамда давлат органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш Ўзбекистон иқтисодий ислохотларининг дастлабки босқичида муваффақиятли амалга оширилди. Шу ўринда соҳада қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси [1], “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги [2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон, Қарор ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, фермерлик истиқболига қаратилган бошқа меъёрий ҳужжатлар мулкчиликнинг мазкур янги шаклини босқичма-босқич ривожлантиришда муҳим ҳамда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Натижада, қисқа давр ичида нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси, балки аграр соҳа, у билан боғлиқ бошқа тармоқларни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий куч - фермер хўжаликлари тўла шаклланди.

Фермер хўжаликларнинг 2021-йил 1-январь ҳолатига кўра, умумий сони 90239 тани [3] ташкил қилиб, шулардан турли соҳалар бўйича кўп тармоқли фаолият юритаётган хўжаликлар сони 2020-йилда 61 мингдан [4] ошди. Айниқса, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари сабзавотчилик, полизчилик, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ташкил қилинаётганлиги мазкур соҳанинг янада ривожланишига олиб келмоқда.

#### **МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР**

Мазкур мақола доктринал тадқиқот сифатида қонун ҳужжатлари ва илмий назарий манбалар таҳлилинини ўз ичига олади. Мақолада соҳага оид тушунчаларнинг юридик табиати ва уларнинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Шунингдек, тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилди: таркибий-мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, тавсифий, тизимли ҳамда илмий билишнинг диалектик усулидан фойдаланилди.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари тушунчаси Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси учинчи қисмида белгиланган бўлиб, унга кўра “Кўп тармоқли фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи фермер хўжалигидир [5]. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ёки асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилиши мумкин [6], деб таъриф берилган.

Шунга қарамасдан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласини қонун ҳужжатларида белгилаш бугунги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари тушунчаси ҳамда унинг қишлоқ хўжалик субъекти сифатидаги аҳамияти ҳақида ҳуқуқшунос олимлар Ж. Холмўминов, М. Мирзаабдуллаева, Г. Узакова, Р. Кенжаев ҳамда О. Нарзуллаевлар [7] ҳам ўз илмий тадқиқот ишларида фикр билдириб ўтишган.

Кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги яна бир муҳим шартлардан бири бу – ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромадини ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра ихтиёрий равишда кўшимча тармоқларни ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумкинлигидир [8].

Мазкур йўналишда фермер хўжаликлари фаолиятида кўп тармоқли соҳаларни ташкил қилишни ривожлантиришга ва соҳада бир қатор ўзгаришларга олиб келган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 22-октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4478-сонли Фармони фермерлик фаолиятининг янада ривожланишига имконият яратди. Мазкур Фармонда юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи марта кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш [9] масаласи белгиланди.

Шунингдек, фермер хўжаликлари фаолият йўналишларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 29-декабрдаги “2016–2020-йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан тупроқ унумдорлиги ва балл-бонитети паст, мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти оғир, кам ҳосилли ва паст рентабелли пахта ва бошоқли дон экинлари майдонларини қисқартириш ва уларнинг ўрнига экспортбоп мева-сабзавот, картошка, мойли, озуқа ва бошқа экинларни оқилона жойлаштириш белгиланди. Албатта, қишлоқ хўжалигида мазкур тартибнинг жорий этилиши мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳамда қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона фойдаланишга қаратилгандир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида сўзлаган нутқида “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади” [10], – деб таъкидлаган.

Бинобарин, Давлат раҳбари томонидан келгусидаги стратегик муҳим вазифа сифатида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш белгиланган.

Зеро, бугунги кунда юртимизда фермерлик фаолиятини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ушбу соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласи



Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси[11]да белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 9-октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5199-сон Фармонининг қабул қилиниши билан мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган вазифалар белгиланди.

Жумладан, мазкур Фармонда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш, 2022-йилнинг 1-январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили фермер хўжалиklarини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиklarига айлантириш бўйича фермер хўжаликлари кесимида ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида тасдиқланишини таъминлаш, шунингдек, ҳудудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига киритиши [12] белгиланди. Бундан ташқари, ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 10-октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3318-сон Қарорининг қабул қилиниши билан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири сифатида кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантиришга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, улар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда бевосита иштирок этиш вазифаси белгиланди. Шунингдек, мазкур Қарорга 7-илова қилинган “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар” Дастурида фермер хўжалиklarини фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг ҳуқуқий мақомини белгилаш бўйича тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси мустаҳкамланди. Шунингдек, мазкур Дастурда 2018–2021-йилларда фермер хўжалиklarини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиklarига айлантириш бўйича ҳудудий дастурларни фермер хўжалиklarини кесимида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда ҳудудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Сенатга киритиш орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари ва Сенат қарори лойиҳаларини қабул қилиш[13] лозимлиги тартиби жорий қилинди. Мазкур тартиб асосида фермер хўжалиklarини фаолияти кенгайтирилиб, кўп тармоқли шаклга айлантириш йўлга қўйилди.

Бинобарин, фермер хўжаликлари фаолиятини кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш мақсадида қабул қилинган энг муҳим норматив ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 29-ноябрдаги “Кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 972-сонли Қарори [14] қабул қилинди. Уларга биноан:

✓ кўп тармоқли фермер хўжаликларининг мақоми белгиланди;

✓ кўп тармоқли фермер хўжалиги – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари билан шуғулланувчи ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрига киритилган фермер хўжалиги деб юритилади;

✓ кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун тегишли имтиёзлар жорий этилди, яъни реестрга киритилган кўп тармоқли фермер хўжаликларига нисбатан улар реестрга киритилган кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турлари бўйича ягона солиқ тўловидан 5 йилга озод қилинди;

✓ 2018-йилдан бошлаб республика бўйича ҳар бир фермер хўжалиги бухгалтериясини юритиш тизими яратилди. Яъни ҳар 20 нафар фермер хўжалигига 1 нафардан ҳисобчи бириктирилиб, маоши давлат бюджетидан молиялаштирилади. Ушбу бухгалтерлар томонидан кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ҳам ҳисоби юритилиши тартиблари белгиланди.

Бундан ташқари, аграр соҳада ишлаб чиқариш корхоналари, айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликларини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 14-декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сон Фармони мамлакатимизда пахта хомашёсини етиштиришдан бошлаб, унга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулоти чиқариш босқичигача бўлган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластер моделини амалга ошириш [15] белгиланди. Шу асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, фермер хўжаликларининг тўқимачилик кластерлари билан пахта хомашёси етказиб бериш бўйича олиб борилаётган ҳаракатлар ҳам мазкур соҳада татбиқ этилаётган ишлаб чиқаришнинг кластер усули бугунги кунда фаолият юритаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада такомиллаштиришга олиб келади.

Қонунчиликда кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳолати ва уларга қўлланилаётган имтиёзлар билан бир қаторда улар фаолиятини чекловчи муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, кўп тармоқли фаолиятини қўйган фермер хўжаликларида асосий муаммо уларнинг қишлоқ хўжалик фаолиятидан ташқари фаолият турлари – хизматлар кўрсатиш, маҳсулотларни сақлаш учун омборлар қуриш, чорва молларини боқиш учун иншоотлар қуриш билан боғлиқ ҳолатларда уларнинг ердан фойдаланиш билан боғлиқ имкониятлари чекланади. Аммо қонунчилик кўп тармоқли фаолият деганда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан

боғлиқ бўлмаган фаолиятни назарда тутмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш фермер хўжаликларига қўшимча ер ва молиявий сарф-харажатларни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 17-июлдаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармони[16]нинг бешинчи бандига мувофиқ қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлар махсус муҳофазага олиниб, унда бино ва иншоотлар қуришга йўл қўйилмайди. Бундай ерларда фақатгина Президент қарори билан бино ва иншоотлар қуришга рухсат этиш тартиби белгиланди. Албатта, қишлоқ хўжалик суғориладиган ерлари ер фондининг “олтин тоифаси” сифатида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилибгина қолмасдан, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг аксарияти суғориладиган ерларда етиштирилади. Шу сабабли ҳам кўп тармоқли фермер хўжаликлари бундай ерлардан қўшимча бино ва иншоотлар қуришда, уларни жойлаштиришда бир қатор қийинчиликларга учраши мумкин. Кўп тармоқли фермер хўжаликларининг тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришдан – истеъмолчига тамойили қачонки улар ўз фаолиятида эркин бўлса, шунингдек, ер участкаларидан оқилона фойдаланишда давлат органлари аралашуви бўлмасагина, амалга ошириш мумкин бўлади. Шу жиҳатдан, кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйган фермер хўжаликлари учун қишлоқ хўжалик ерлари тоифасига киритилган, бироқ фойдаланишда бўлмаган ерлардан бино ва иншоотлар қуришнинг аниқ тартибларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

#### **ХУЛОСАЛАР**

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишда хўжалик юритиш тамойиллари ва кўп тармоқли фермер хўжалигида бошқарув фаолиятини амалга ошириш бошқичларини амалиётга татбиқ этиш орқали ушбу фаолиятни ривожлантириш ва хўжалик қошида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнини янада такомиллаштириш имконини беради.

Бинобарин, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши унинг рақобатбардошлиги, мазкур соҳада модернизациялашни амалга оширишга бевосита боғлиқдир. Модернизациялаш, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигининг истиқболли рақобатбардош моделини яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида фаолият юритаётган турли хўжалик юритиш субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустақкамлаш, унинг мақбул ижтимоий таркиби ва қишлоқ хўжалиги субъектларини бозор тамойилларига мос ташкилий турларини шакллантиришни тақозо этади.

Албатта, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган бундай тизимли ислохотлар юртимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодий мустақиллигимизни янада мустақкамлашга, Ватанимиз тараққиёти ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ташкил қилинаётганлиги битта хўжалик негизида бир нечта фаолият тури билан шуғулланиш ва шу орқали аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда улар даромадининг оширилишига эришилади.

Фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Президент фармон ва қарорларида белгиланган вазифа ва функцияларни бажариш ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини белгиловчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу нуқтаи назардан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган “Фермерлар кооперативи тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш билан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустақкамлаш мумкин. Бундай хўжалик юритиш фаолияти ривожланган мамлакатлар Хитой ва Германия тажрибасида аниқ тартибга солинган. Шу сабабли Ўзбекистонда мазкур Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини янада мустақкамлашга хизмат қилади.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1998-y., 5-6-son, 82-modda; 2017-y., 37-son, 978-modda.
2. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 1-son, 1-modda.
3. www.kadastr.uz O‘zbekiston Respublikasi Yer resurslari geodeziya, kartografiya davlat kadastr davlat qo‘mitasining 2021-yil 1-yanvar holatiga ko‘ra. Milliy hisobot.
4. <http://old.uza.uz/uz/society/2020-yilda-11-ming-957-ta-fermer-xo-jaligi-ko-p-tarmoqli-fao-13-01-2020> Z.Allamurodov.
5. O‘zbekiston Respublikasining 2018-yil 18-apreldagi O‘RQ-476-sonli Qonuni tahririda – Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 19.04.2018 y., 03/18/476/1087-son.
6. Abdug‘aniev A.A. “Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti”. – Toshkent, 2014. – B. 37.
7. Xolmuminov J. Ponyatie i osobennosti zemelnogo servituta po zakonodatelstvu Respubliki Uzbekistan // Zakonnost i pravoporyadok v sovremennom obshestve. 2015. №23. URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-i-osobennosti-zemelnogo-servituta-pozakonodatelstvu-respubliki-uzbekistan> (data obrasheniya: 17.01.2022). // N. Skripnikov, M. Mirzaabdullayeva Pravovoe obespechenie nauchnix issledovaniy v agrarnom sektore // Review of law sciences. 2018. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-obespechenie-nauchnyh-issledovaniy-v-agrarnom-sektore> (data obrasheniya: 17.01.2022). // Uzakova G.Sh., Saidov S.V. Yerdan foydalanish va muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvining ilmiy-huquqiy asoslari // Jurnal pravovix issledovaniy. – 2021. – T. 6. – №. 4. // Ibratova F., Narzullaev O. Legal nature of legal relationship in bankruptcy // Norwegian Journal of Development of the International Science. 2021. №64. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/legal-nature-of-legal-relationship-in-bankruptcy> (data obrasheniya: 17.01.2022).
8. Shayjigitov A. Ko‘p tarmoqli fermer xo‘jaliklari faoliyatini tashkil etish va ularning faoliyatini yo‘lga qo‘yish bo‘yicha olib borilayotgan ishlar. <http://adliya.uz/publikatsii/detail.php?ID=40234>.
9. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012 y., 43-son, 493-modda; 2017 y., 2-son, 26-modda.
10. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz: O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis Palatalarining qo‘shma majlisidagi nutqi. // “Xalq so‘zi”, 2016-yil 15-dekabr.
11. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 6-son, 70-modda, 20-son, 354-modda, 23-son, 448-modda, 37-son, 982-modda.
12. www.lex.uz Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 10.10.2017-y., 06/17/5199/0078.



13. [www.lex.uz](http://www.lex.uz). Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 11.10.2017-y., 07/17/3318/0094-son; 19.01.2018-y., 06/18/5304/0591-son; 27.04.2018-y., 07/18/3680/1110-son.

14. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.11.2018-y., 09/18/972/2250-son.

15. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 15.12.2017-y., 06/17/5285/0409-son.

16. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2021-y., 06/21/6217/0409-son, 09.06.2021-y., 06/21/6243/0540-son, 08.10.2021-y., 06/21/6320/0940-son.